

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН: ИЛМ - ФАН ИННОВАЦИЯСИДА АЁЛЛАР ВА ЁШЛАР

МАВЗУСИДА ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАСОФАВИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

1 МАЙ, 2020 | ТОШКЕНТ

COVID-19НИ БИРГА ЕНГАМИЗ!

CONFERENCES.UZ

"Янгиланаётган Ўзбекистон" илм - фан тараққиётида аёллар ва ёшлар: маънавият, маърифат ва инновациялар [Тошкент; 2020] 1 май 2020 йил. -Тошкент: Tadqiqot, 2020 -306 б
Ушбу тўплам "Янгиланаётган Ўзбекистон" илм - фан тараққиётида аёллар ва ёшлар: маънавият, маърифат ва инновацияларга бағишланган тезисларни қамраб олган.

DOI 10.26739/conf_03/05/2020
Ушбу тўпламнинг электрон шакли бизнинг сайтимизда
https://tadqiqot.uz/conf/

Бош муҳаррир
1.Нилуфар Джураева Далибаевна Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди, доцент ЎзДЖТУ хотин-қизлар билан ишлаш бўйича бошланғич ташкилот раиси

Таҳрир кенгаши

1.Бобожонова Дилором Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети "Олима" уюшмаси раиси Ўзбекистон тарихи кафедраси профессори, тарих фанлари доктори
2.Масалиева Олтиной Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди
3.Бабаджанова Нодира Абдуллаевна Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти тарих фанлари номзоди
4.Толипов Файзулла Саидович Тошкент давлат техника университети Фалсафа ва миллий
5.Толибоева Нодира Одилжоновна -Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Ўзбекистон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир

©Муаллифлар жамоаси
©Tadqiqot.uz

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи Шахрам Файзиев

Контакт редакций журналов: www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
Улица Амира Темура пр.1, дом-2
Web: http://www.tadqiqot/;
Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-00-00

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot/;
Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-00-00

47.Хамро Хазратович Рахмонов
ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ170
48. Юсубов Жамшид, Рўзиев Шуҳрат
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ДАВЛАТ ХИЗМАТИ КАДРЛАРИНИНГ ЎРНИ.....175
49. Юсупова Нигора Шавкатовна
ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ОНГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЗАРУРАТИ.....179
50. Юсубов Жалолидин Кадамович
АБУ НАСР ФОРОБИЙ ҚАРАШЛАРИДА БИЛИМ МАСАЛАСИ ТАЛҚИНИ.....181
51. Rahimov Zohid Nodirbek o'g'li
O'ZBEKISTON RESPULIKASI FAVQULODDA VAZIYATLAR VAZIRLIGI TIZIMIDA ZAMONAVIY YONGFINO'CHIRISH TEXNIKALARINING TUTGAN O'RNI.....183
52. Numonjonov Shahzod Dilshodjon ugli
ESSENCE OF PEDAGOGICAL INNOVATIONS IN THE EDUCATION SYSTEM.....186
53. Farxodjonova Nodira Farxodjon qizi
CHANGES IN THE SPHERE OF LANGUAGE AND NATIONAL SPIRITUAL HERITAGE IN THE MODERNIZATION OF NATIONAL CULTURE.....188
54. Джураева Нилуфар Далибаевна
ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИ - ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ ГАРОВИ.....190
55. Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
ХОТИН-ҚИЗЛАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ - МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУҲИМ ХУСУСИЯТЛАРИДАН БИРИ193
56. Яхшиева Мавлуда Турсуновна
АЁЛЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИДА.....196
57. Толибоева Нодира Одилжоновна
ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА АЁЛЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИ МАСАЛАЛАРИ.....199
58. Балтабаева Манзурахон
ЎЗБЕК ОЛИМАЛАРИ - ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИЛАРИДИР202
59. Алиева Камола Равшановна
ВОПРОСЫ ЦИФРОВОГО ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВО В УЗБЕКИСТАНЕ: STEMB СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ.....207
60. Ҳасанова Н.М
ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ ҲАМДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ МАСАЛАСИГА ДОИР.....212
61. Саломов Азимжон
САЙЛОВЛАР - ХАЛҚ ИРОДАСИНИНГ БЕВОСИТА ИФОДАСИДИР.....216
62. Ruzieva Dilshoda Mavlonovna
THE GUARANTEE OF WOMEN'S GENDER EQUALITY IN MODERN UZBEK SOCIETY.....218
63. Tog'ayeva Muattar Bahodir qizi
WOMEN AND LEADERSHIP .WOMEN'S MISSIONS AND PARTICIPATIONS.....221
64. Ashuroxunova Shahnoza Toxir qizi
GLOBALLASHUV JARAYONIDA AYOL MA'RIFATINING YOSHLAR MA'NAVIYATINI YUKSALTIRISHDAGI AHAMIYATI.....224
65. Дадамирзаева Гулчеҳра Абдунабиевна
АЁЛЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КООПЕРАТИВЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ТАЖРИБАСИ.....227
66. Rustamov Dostonbek Jamshid ugli
ENSURING WOMEN'S EMPLOYMENT IN SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP.....231
67. Ибрагимова Сабина Эркиновна
МЕЖДУНАРОДНЫЕ СТАНДАРТЫ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА И ПРАВОСУДИЯ В ОТНОШЕНИИ ЖЕНЩИН.....233
68. Абирова У.Н.
"ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН"ДА "ОИЛА, МАҲАЛЛА ВА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ" ҲАМКОРЛИГИДА ЁШЛАРНИ ОИЛАГА ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.....239
69.Бахти ОЧИЛОВА
ИННОВАЦИОН ШАХС ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ҲОСИЛАСИ.....244

Балтабаева Манзурахон Мирзажановна
Ўзбекистон Миллий университети катта ўқитувчиси
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори(Phd)
baltabayeva68@mail.ru

ЎЗБЕК ОЛИМАЛАРИ - ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИЛАРИДИР

УЗБЕКСКИЕ ЖЕНЩИНЫ УЧЕНЫЕ - АКТИВНЫЕ УЧАСТНИКИ В РАЗВИТИИ ОБЩЕСТВА

UZBEK SCIENTISTS - ACTIVE PARTICIPANTS IN THE DEVELOPMENT OF SOCIETY

Аннотация (Abstract): Ушбу мақолада муаллиф турли соҳаларда илмий тадқиқотлар олиб борганбилимли, маърифатли, олима аёллар фаолиятини ўрганиш масалаларига эътиборни қаратиб, улар томонидан эришилган илмий натижалар илм-фан тараққиёти ва республикани инновацион ривожлантиришда нақадар муҳим аҳамият касб этаётганлигини илмий нуқтаи назардан тарихий аспектда таҳлил этишга ҳаракат қилган. Масаланинг ушбу жиҳати шу пайтга қадар халқаро доирада нашр этилган ишларга қўшимча материал бўлиб хизмат қилади.

Таянч иборалар (Key words): инновацион лойиҳа, рационализатор, биоэтика, гематологик ўзгаришлар, фахрий фуқаро, тадбиркор аёллар, ўзбекистон қаҳрамонлари.

Ўзбек аёллари ҳақида фикр юритганимизда, жасорати билан миллатимиз тарихида ўчмас из қолдирган Тўмарису Қурбонжон додҳо, юксак ақлу заковат ва тафаккур соҳибалари Бибихоним, Хонзодабегим, Нодирабегим, вафо- садоқати, ижоди ила ўзбек аёлларига ҳайкал қўйиб кетган Зулфиякаби шоираларимиз кўз олдимизга келади.

Мустақиллик шарофати ила мамлакат ҳаётида юз берган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ўзгаришлар самараси сифатида жадал ривожланиб бораётган бугунги Ўзбекистонни хотин-қизлар фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистоннинг хотин-қизлар борасидаги давлат сиёсати бугунги кунда аҳолининг 50,8 фоизини ташкил этаётган бу жинс вакилаларининг ҳар соҳада фаол ижтимоий кучга айланганлигини кўрсатмоқда[1].Айниқса, бугунги кунда хотин-қизлар масаласи Президент Ш.М.Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикасини ҳар томонлама ривожлантиришнингш бешта устувор йўналиши бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси"да белгиланган вазифаларда янада долзарб аҳамият касб этмоқда.Юртимиздаги турли корхоналарда ишлаётган раҳбар аёллар сони 2017 йили 44,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 45,3 фоизни,илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат соҳаларида эса 72 фоизни ташкил этмоқда[2].

2013 йил 20 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган "Тараққиёт мақсадларидаги фан, техника ва инновациялар" тўғрисида резолюцияда бутун дунёда хотин-қизларнинг фан, техника ва инновациялар ютуқлари ривожидан тенг ва тўлақонли фойдаланишларига имкониятлар яратиш, яъни гендер тенгликни таъминлаш масаласи кўтарилди[3].

Бугунги кунда республика ҳукумати томонидан хотин-қизларга яратилаётган

шарт-шароитлар ва бу борадаги қатор тадбирлар БМТнинг юқоридаги мақсадларига ҳамоҳанг тарзда олима, ихтирочи ва тадбиркор аёлларимизнинг инновацион ғоя ва лойиҳалар ишлаб чиқишларида алоҳида аҳамиятлидир. Жумладан, 2018 йил февраль ойида"Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси" республика танловидамамлакатимиз иқтисодиёт тармоқларига ўз техник лойиҳалари, рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларини жорий этиш мақсадида 3000 дан ортиқ олима аёллар, тадқиқотчилар,иқтидорли талаба ва ўқувчи қизлар, ихтирочи, рационализатор, мухандис, конструктор, дастурчи, шифокор, фармацевт, мутахассис, тадбиркор хотин-қизлар илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган ўз ихтиролари, инновацион ғоя, технология ва лойиҳалари билан иштирок этганликлари ҳамда уларнинг 100 нафари ғолибликни қўлга киритганлари фикримизнинг исботидир[4].

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Хотин қизлар қўмитаси, "Олима аёллар" уюшмаси томонидан аёллар фаолиятига бағишлабнашр этилиб келинаётган йиллик тўпламлар бугунги кунда кенг оммагатурли соҳаларда юксак натижаларга эришаётган ўзбек хотин-қизлариҳақида маълумот беради.

2019 йил октябрь ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Tashkent Book Fest - 2019" биринчи халқаро китоб кўргазма-ярмаркасидаЎзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти билан ҳамкорликда нашр қилинган."Ўзбекистон аёллари" китобининг тақдимоти ҳам бу борадаги хайрли ишларнинг узвий давоми бўлди. Ушбу энциклопедик китобнинг "Тарихга муҳрланган аёллар", "Аёллар давлат бошқарувида", "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони соҳибалари", "Ўзбекистоннинг академик аёллари", "Ўзбекистоннинг олима аёллари", "Турли соҳаларда фаолият юритаётган аёллар", "Маданият ва санъат соҳибалари" ва "Ўзбекистон спортчи аёллари" каби бўлимларида она Ватанимиз тараққиёти йўлида меҳнат қилаётган 100 дан ортиқ етакчи раҳбар устозларимиз, олима, шоира, ўқитувчи, шифокор, тадбиркор ва спортчи аёллар ҳақидаги маълумотлар киритилган[5]. Улар орасида бугунги кунда давлат ва жамият бошқарувининг фаол ижрочилари-Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Т.Нарбаева, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Васитхонова, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази директори Д.Тошмуҳаммедова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссияси раиси Д.Файзиева; Ўзбекистон Қаҳрамони унвони соҳибалари-филология фанлари номзоди, профессор С.ўаниева, тиббиёт фанлари доктори, профессор, ЎзРФА академиги М.Абдулахаджаева, фермерлар С.Абдуллаева,Л.Муратова, моҳир зардўз, "Ўзбекистон халқ рассоми" унвони соҳибаси М.Темирова; Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиклари - кимё фанлари доктори С.Рашидова, иқтисод фанлари доктори Р.Убайдуллаева, тарих фанлари доктори Д.Юсуповаларнинг ибратли ҳаёт йўллари ҳақида ҳабардор бўламиз.

Бугунги кунда давлатимиз томонидан хотин-қизларга юксак эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Айниқса, 2019 йил 2 сентябрда давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган Ўзбекистон Республикасининг "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ҳамда "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилинганлиги республикада хотин-қизлар ахволини янада яхшилаш, уларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва улар фаолиятига кенг имкониятлар яратиш масаласидаги давлат сиёсатининг узвий давоми эканлигини кўрсатмоқда.

Пезиденти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисидаги

нутқида бутун халқнинг, миллатнинг эътиборини яна бир бор аёлларга қаратиб: "Ижро органларида, вазирлик ва идораларда гендер тенгликни таъминлаш, муҳтарама опа-сингилларимизга масъул лавозимларни ишониб топшириш бўйича кўп иш қилишимиз керак. Нега деганда, аёлларимиз ҳаётий муаммоларни бошқалардан кўра чуқурроқ билиши, фидойилиги, кучли масъулият туйғуси, меҳнатсеварлиги билан барчага ўрнак бўлади", деган сўзлари аёлларга бўлган ишонч ва юксак ҳурматнинг ифодаси бўлди. Дарҳақиқат, ўзбек аёли ўзининг асрлар синовига дош берган иродаси, сон-саноқсиз фазилатлари билан бундай эътироф ва ишончга лойиқдир.

Сабр-бардошда эркаклар билан бирдек тура билган, оиласи, халқи ва ватани тақдири йўлида ўзини заррама-зарра фидо айлаган аёлларимиздан бири, ўзининг бутун умрини болалар саломатлигини асрашга бағишлаган таниқлишифокор, тиббиёт фанлари номзодиМаъсумахонАбидовадир.

Маъсумахон аянинг болалик йиллари ўтган асрнинг 20-30-йилларидаги оммавий қашшоқлик, очлик шароитига тўғри келади. У онадан икки ёшидан етим қолган, болалик давридакўплаб қийинчиликларни бошида ўтказган бўлса-да, илм ва маърифатга чанқоқлиги сабаб ўз тенгдошларидан илгарилаб - 15 ёшида мактабни "аъло"га баҳоларга тамомлайди.М.Абидова Тошкент давлат медицина институтида таҳсил олиб, 1941 йилнинг июнида, шафқатсиз уруш бошланган кунда қўлига олий маълумот дипломини олади. "Уруш пайтида Украина, Белоруссия ва Россиядан турли миллатга мансуб 1 миллиондан ортиқ аҳоли, шу жумладан, 200 минг нафар ёш болалар Ўзбекистонга эвакуация қилинганбир пайтда Маъсума Абидованинг ҳар куни одамлар ҳаётини қутқариш, умрларини узайтириш, муҳтожларга меҳр улашишдек савобли юмушлар баробарида, болалар касалликларига доир илмий иш устида изланади. М.Абидоваруш даврининг бор қийинчиликларини сабру- бардош билан енгиб, таниқлипедиаторолим, профессорИ.С.Гершинович раҳбарлигида болалар саломатлигига доир илмий ишни ўз вақтида якунига етказади. Назария билан амалиёт уйғунлиги, тинимсиз изланишлар натижаси ўлароқ, 1946 йилда "Болалардагематологикўзгаришлар"мавзуиданомзодлик диссертацияси муваффақиятли ҳимоя қилинади. Шу тариқа у болаларшифокорлари - педиаторларорасидабиринчиўзбеколимааёлигаайланади.

Соғлиқнисақлашаълочиси, 1945 йилда "УлуғВатанурушийилларидагифидокоронамеҳнатиучун", 1970 йилда "Фидокоронамеҳнатиучун"ва 1994 йилдаэсамустақилЎзбекистоннинг "Шуҳрат" медаллари соҳибаси, доцент МаъсумаАбидова ўзининг 45 йилликилмий-педагогик фаолиятидавомидатаниқликўплабшифокорларга устозлик қилган[6].

Яна бир ўзбек аёли Малика Абдуллахўжаеваўзининг фаолиятини биоэтика - беморларнингҳақ-ҳуқуқлариниҳимояқилишга бағишлаб, рационализаторсифатидаЎзбекистондабиринчиларданбўлиб шу соҳагаасос солган эди.Ўзбек аёлининг инсониятга қилган шундай умрбоқий хизматлари ва бугунга қадар нафи тегиб келаётган илм ишлари кўп бора эътироф этишга арзийди.У Ўзбекистон Қаҳрамони,Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиги, Халқаро Патология Академиясининг Марказий Осиё бўлими Президенти, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор, республика Патологик анатомия маркази директори, XX асрнинг энг кўзга кўринган 500 нафар олимларидан бири, "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳибасидир.

М.Абдуллахўжаева йирик патологоанатом сифатида Ўзбекистон ва МДҲ мамлакатларида трансплантацион иммунологияни ривожлантириш орқали

иммунологик патология равнақига катта ҳисса қўшди.НатижадаТошкентда шу йўналишдагиилмий-амалийишларниолибборадиган Республика патологикмарказиташкилэтилди.МДҲ давлатларида биринчи марта микроскопик телепатологиянинг телемедицинаси ташкил этилиб, биопсия бўйича Европанинг барча мамлакатларидаги шифокорлар билан консультация олиб бориш ва барча тиббиёт институтлари талабаларини дистанцион ўқитиш имкони туғилди.Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти эксперти сифатида дунёнинг жуда кўп мамлакатларида ўтган Халқаро конференцияларда ўнлаб маърузалари билан иштирок этган ўзбек олимасига АҚШнинг Калифорния штатида Фресно шаҳри фахрий фуқароси мақоми берилган[7].

Илм - шубҳасиз машаққатли йўл. Бу йўлдан бориш, илм-фанда ютуқларга эришиш гарчи аёл киши учун, айниқса ўзбек жамиятида осон бўлмаса-да, қатъияти, сабр-бардоши, атрофдагилар ва яқинларининг қўллаб-қувватлаши билан илмда муваффақиятларга эришаётган ўзбек аёлларининг тобора кўпаяётганлиги республика ҳукумати томонидан илм-фан соҳасига бўлган эътибор ва яратилаётган имкониятларнинг натижасидир.Илм йўлида ана шундай эзгу мақсад билан одимлаётган ёшлардан бири - Оксфорд университетининг Исломшунослик марказида илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчи, Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг 2-босқич докторанти Нигора Ҳакимова бўлса, ўзбек аёллари орасида биринчи бор Колумбия университетининг tenure track позицияси, яъни умрбод профессорликка етакловчи лавозимга қабул қилинган Азиза Шаназарова 2020 йил 6 мартида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан "Дўстлик" ордени билан тақдирланди[8].

"Ҳозирги вақтда мамлакатимизда турли соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларнинг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Жумладан, давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 400 га яқин опа-сингилларимиз раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилмоқда. Улардан 17 нафари сенатор, 16 нафари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати бўлиб, 1 минг 75 нафари эса халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари таркибида фаолият юритмоқда", Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда аёллар сони Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етгани, ташаббускор ва ташкилотчи аёллар туман ва шаҳар ҳокими лавозимларига тайинланаётганлигининг давлат раҳбари томонидан қайд этилгани ҳам бежизга эмас[9].

Дарҳақиқат, аёллар муваффақият қозонмаган соҳанинг ўзи йўқ. Уларбугунги кунда фан чўққиларини янада забт этишмоқда. Эътироф этиш керакки, юртимиз илмий таълим муассасаларида 660 аёл фан доктори ҳамда 8 нафар аёл академик меҳнат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг илмий-тадқиқот институтларида 3000 нафарга яқин аёл-қизлар самарали тадқиқот ишларини олиб боришмоқда[10].

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўзбек олима аёллари кимё, биотехнология, қишлоқ хўжалиги ва бошқа жабҳаларда ўз интеллектуал салоҳиятларини намойиш этиб, оригинал тадқиқотлари, инновацион ишланмалари билан юртимиз инновацион ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшиш баробарида жаҳон давлатлари олималари ўртасида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлмоқдалар, десак янглишмаган бўламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (References):

1. Ўзбекистон аҳолиси сони ҳақида янги маълумот (Электрон ресурс). Кириш режими:http://kun.uz>news>2019/(мурожаатқилинган сана 12.12.2019).
2. Ш.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқи. 2019 йил 26 июнь (Электрон ресурс). Кириш режими:http://www.kun.uz// (мурожаат қилинган сана 25.02.2020).
3. И.Абдураҳмонов. 11 февраль - "Халқаро илм-фан соҳасидаги хотин-қизлар куни"! (Электрон ресурс). Кириш режими: http://innovatsion.uz (мурожаат қилинган сана 25.02.2020).
4. Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси" (Электрон ресурс). Кириш режими: http://info@wcu.uz. (мурожаат қилинган сана 26.02.2020).
5. Ўзбекистон аёллари."Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2019 - Б.6.
6. Г.Исмаилова.Педиатрлар орасидаги биринчи ўзбек олима аёли ҳақида. (Электрон ресурс). Кириш режими: http://uza.uz. (мурожаат қилинган сана 26.02.2020).
7. Би-би-си Жаҳон хизмати аёлларга бағишланган махсус дастурлар -"100 аёл" . Кириш режими: http://bbc.com. (мурожаат қилинган сана 1.03.2020).
8. Kun.uz янгиликлари.
9. Ш.Мирзиёев. Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказилган тантанали маросимдаги нутқи. 2020 йил 7 март. Электрон ресурс. Кириш режими: http: //zamin.uz.(мурожаат қилинган сана 1. 03.2020).
10. И.Абдураҳмонов. 11 февраль - "Халқаро илм-фан соҳасидаги хотин-қизлар куни"! (Электрон ресурс). Кириш режими: http://innovatsion.uz (мурожаат қилинган сана 25.02.2020).